

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОNUНИ

ФУҚАРОЛАРНИНГ ВА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ КАФОЛАТЛАРИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ АЙРИМ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Қонунчилик палатаси томонидан 2022 йил 26 январда қабул қилинган

Сенат томонидан 2022 йил 3 февралда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган «Фуқароларниң давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги 938-XII-сонли [Қонунига](#) (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 338-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисина Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 4-5, 126-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 5, 112-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; 2002 йил, № 4-5, 74-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда; 2007 йил, № 12, 590, 608-моддалар; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2010 йил, № 5, 178-модда, № 9, 334-модда, № 12, 472-модда; 2012 йил, № 1, 4-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 12, 341-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 12, 383, 384-моддалар; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 10, 676-модда, № 12, 783-модда; 2019 йил, № 5, 265-модда, № 8, 469-модда, № 9, 592-модда, № 11, 792-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 11, 652-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 973-модда) қуйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) 15-модданинг [матни](#) қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ногиронлик пенсиялари қонунчилиқда белгиланган тартибда I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар деб топилган шахсларга, шунингдек Чернобиль АЭСдаги авария туфайли майиб бўлиш ёки касаллик оқибатида III гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар деб топилган шахсларга тайинланади»;

2) [19-модданинг](#):

учинчи қисми [«а»](#) [банди](#) қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«а) болалар, ака-укалар, опа-сингиллар ва набиралар 18 ёшга тўлмаган бўлса ёки 18 ёшдан катта бўлса, агар улар 18 ёшга тўлгунига қадар ногиронлиги бор бола бўлиб қолган бўлса. Бунда башарти, агар ака-укалар, опа-сингиллар ва набираларнинг меҳнатга қобилиятли ота-онаси бўлмаса»;

[тўртинчи қисми](#) қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Таълим ташкилотларининг ўқувчилари ва талабалари ўқишнинг бутун даври давомида, бироқ 23 ёшга тўлгунига қадар бокувчисини йўқотганлик пенсиясини олиш хуқуқига эга»;

3) [37-модда](#) [биринчи қисмининг](#):

[«д»](#) [банди](#) қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«д) I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсга ёки 18 ёшгача бўлган, ногиронлиги бор болага, шунингдек (даволаш муассасасининг хulosасига кўра) ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлган 80 ёшга тўлган қарияларга қараб турилган вакт»;

«ж» [бандидаги](#) «кўпи билан 3 йил» деган сўзлар «кўпи билан 6 йил» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) [47-модда](#):

қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси худудида белгиланган тартибда карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юкумли касалликлар пайдо бўлиши ва тарқалиши муносабати билан чекловчи чоралар (карантин) жорий этилганда, агар фуқаролар чекловчи чоралар (карантин) даврида ёки улар тугатилгандан кейин пенсия тайинлашни сўраб бир ой ичida мурожаат қилган бўлса, уларга пенсия уни олиш хуқуқи юзага келган кундан эътиборан тайинланади»;